2015 йил 5 июнь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (12.929)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт



## «A'LO OMAD RIVOJ»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

***Мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг етакчи бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Натижада рақобатбардош маҳсулотлар салмоғи ошиб, чет давлатларга экспорт қилинмоқда.***

Аҳолини иш билан таъминлашда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари муҳим ўрин тутаётгани сир эмас. Бу борада касаначилик соҳасида кўплаб қулайликлар ва ютуқлар мавжуд. Айниқса, хотин-қизлар, кўп болали аёллар, ёрдамга муҳтожлар ва меҳнат қобилияти чекланган инсонларни иш билан таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлашда касаначиликнинг ўрни бўлакча.

Касаначилик соҳасида фаолият юритиб келаётган Махбура Қодирова ҳам яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб келаётган тадбиркорлар сирасига киради. У 1999 йилдан 2009 йилгача Олмазор туманидаги «Янги Себзор» маҳалласида тадбиркорлик билан шуғулланган. 2009 йилдан бошлаб ўз фаолиятини кенгайтириб, тикувчиликка ихтисослашган «A'lo Omad Rivoj» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди.

Корхонада 40 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманлар учун давлат буюртмасига асосан иштирок этадиган давлатларнинг байроқлари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари учун кийимлар, ёстиқ жилдлари, кўрпа-тўшаклар, ҳар хил ўлчамдаги Ўзбекистон байроқлари, герблар шулар жумласидандир.

2014 йилда корхонада 1 003 763 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи чорагида 233 400 минг сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ишлаб чиқариш жараёни бирмунча ошди.

Келажакда Россия билан ҳамкорликда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Латвия билан адрасдан кўрпа жилди ва чойшаблар тикиш ва корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хориж давлатларига экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Хомашёлар Бирлашган Араб Амирликлари, Фарғона вилояти ва Бухородан олиб келинади. Шунингдек, ўзимиздаги «Собиржон Ота» Ҳ.К, «Самарқанд Бах Текстил» МЧЖ, «Nacretdinov V.» ХК, «Yodgor Fayz Tekstil» МЧЖ, «Riksan Global» МЧЖ ва бошқа корхоналар билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Техника ва технологиялар Германия, Хитой ва Жанубий Корея давлатларига тегишли.

Корхона жамоаси замонавий тикув машиналарини харид қилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Ишчилар сонини кўпайтириш борасида Олмазор ва Юнусобод енгил саноат коллежлари билан шартномалар тузилган. Коллеж ўқувчилари корхонада амалиёт ўташади ва кўпчилик шу ерда ишлаб қолишади.

**Камолиддин ҲАМДАМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРАҚҚИЁТИ — ЭКСПЕРТЛАР ЭЪТИБОРИДА

***Тошкентда парламент демократиясини ривожлантириш бўйича миллий тажриба ва халқаро амалиёт муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти ва Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда парламент аъзолари, давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтказилган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимиз сиёсий тизими барқарор ва жадал ривожланаётгани, икки палатали парламентнинг профессионал фаолияти, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори С.Хўжаева ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий парламентаризмни ривожлантириш мамлакатимизни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши самарасида марказ ва жойлардаги қонунчилик ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ва назорат вазифалари кучайтирилаётир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Ушбу концепция асосида Конституциямизнинг қатор моддаларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайлов давлат ва жамият ишларини бошқаришда сиёсий партияларнинг роли сезиларли равишда ошганини кўрсатди. Сайлов якунлари бўйича парламент қуйи палатасида энг кўп ўрин олган партия Бош вазир номзодини кўрсатди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг парламент назорати каби муҳим вазифаси ҳақида ҳам сўз юритилди. Бу ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими фаолият кўрсатишининг самарали механизмидир. Масалан, бугунги кунда Олий Мажлис мамлакатимиз ҳукуматининг тақдимотига кўра, ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб тасдиқламоқда, ушбу дастур бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Тадбир қатнашчилари эътиборига мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида шу йилнинг март ойида ташкил этилган Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг тақдимоти ҳавола этилди. Давлат бошқаруви ва жамият қурилишини демократлаштириш, сўз эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш институт фаолиятининг асосий йўналишлари экани қайд этилди.

Давра суҳбатида парламент демократиясини ривожлантириш бўйича халқаро тажриба кўриб чиқилди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Бундай тадбирларнинг ўтказилиши туфайли тажриба алмашиш, демократия жараёнларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш имкониятига эга бўлмоқдамиз, – деди Ф.Эберт номидаги жамғарманинг минтақавий вакили Пэр Тешендорф. – Жамғармамиз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг ташкил этилиши эса ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга кўмаклашади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тадбиркор аёллар фестивали ўтказилди. Фестивалда қирқдан ортиқ тадбиркор аёлнинг бизнес-лойиҳалари ўрганилиб, зарур тавсиялар берилди. Энг яхши деб топилган 16 лойиҳа соҳибаларига ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.**

**• Зарафшон шаҳрида «Камалак» замонавий аква боғи фойдаланишга топширилди. Қарийб 3 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд бўлган мазкур боғни саҳродаги мўъжизага қиёс қилиш мумкин. Комбинатнинг Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан барпо этилган боғнинг майдони 1,3 гектарни ташкил этади. Ҳудуд манзарасини янада баҳаво қилиш учун 21 минг туп анвойи гул ҳамда 1000 га яқин манзарали дарахт кўчати ўтқазилди.**

**• Қарши шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди. Янги уй ҳовлисида замонавий талаблар асосида болалар майдончаси барпо этилгани ҳам ёш оилалар учун ўзига хос қулайликдир.**

**• Андижон давлат университетида «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси доирасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этадиган янги авлодни тарбиялаш ва ёшларда тадбиркорлик кўникмасини ривожлантиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

**• Андижондаги «Idas elektroniks sistem» Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун сифатли плеер ва рақамли соатлар тайёрланмоқда. Корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида турли русумдаги автомобиллар учун 28 минг 900 дона SD/USB плеери ҳамда 26 минг 200 дона рақамли соат ишлаб чиқарилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Италияда ўтказилаётган авиашоу вақтида ҳавода турли хил мураккаб ҳаракатларни амалга ошираётган иккита самолёт ўзаро тўқнашиб кетди.**

**• Шимолий Каролина штатининг Катоба шаҳрида жойлашган Apple марказида кимёвий моддаларнинг сизиб чиқиши натижасида беш киши заҳарланган ҳолда касалхонага ётқизилди.**

**• Жанубий Африка Республикасининг пойтахти Претория шаҳри яқинида жойлашган сайёҳлар томоша қиладиган боғда иккита америкалик сайёҳни элтиб бораётган автомобилга ногаҳон шер ҳужум қилди. Ушбу ҳужум натижасида сайёҳ аёллардан бири ҳаётдан кўз юмди.**

**• Олимлар кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ҳар куни тўрт кичик стакандан ортиқ кофени истеъмол қилиш соғлиққа зарар келтириши мумкинлиги ҳақидаги қарорга келишди. Бу меъёрни бузиш ҳатто мутлақо соғлом кишилар учун ҳам хавфлидир. Яъни, бир кунда 400 миллиграммгача кофеин моддасини истеъмол қилиш мумкин экан (битта стаканча кофеда айнан 100 миллиграмм атрофида кофеин моддаси мавжуд). Агар ушбу меъёр бузиладиган бўлса, одамнинг уйқуси, юрак ритми бузилиши, ҳатто юрак етишмовчилиги келиб чиқиши мумкин экан.**

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, фан ва технологиялар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, сайёҳлик, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши учун шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган. Савдо-иқтисодий алоқалар, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ўзаро савдо имтиёзлари, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик борасида эришилган келишувлар амал қилмоқда.

Икки мамлакат ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 374,9 миллион, жорий йилнинг биринчи чорагида 140,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Эрон сармояси иштирокида тузилган 120 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 8 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Транспорт-коммуникация соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишидир. 2011 йилда Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Ўмон темир йўл коридорини ишга тушириш бўйича битим имзолангани бунга мисол бўла олади. Мажлисда ушбу лойиҳа Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Эрон ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Мамлакатларимиз транспорт ва транспорт коммуникациялари, озиқ-овқат, мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалиги, электротехника, фармацевтика каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Музокарада Эрон делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилаётган шароитлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги имкониятлар билан таништирилди.

– Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, – деди Эрон саноат, кончилик ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Муҳаммадризо Неъматзода. – Бундай учрашувлар ўзаро ҳамкорлигимиз қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, Ўзбекистон билан иқтисодиёт, саноат, техника ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, юк ташиш хизмати, фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, транспорт ва транзит, божхона, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк-молия каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу куни Ўзбекистон ва Эрон ишбилармон доираларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

***Тошкент ахборот технологиялари университетида олий таълим тизимига илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга бағишланган илмий-амалий симпозиум бўлиб ўтди.***


Елкин Шамсиддинов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзоҳидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар ривожланган олий таълим тизими мамлакатнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан эканини таъкидлади. Бугун Президентимиз раҳнамолигида олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятини юксалтириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган ўқитиш усулларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 мартдаги Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида ёш ўқитувчиларнинг жаҳондаги етакчи олий ўқув юртларида малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, 60 дан зиёд ўқитувчи Жанубий Корея, Ҳиндистон, Франция ва Германиядаги нуфузли олий таълим муассасалари ва ўқув марказларида малака оширди. Малака ошириш давомида улар ўқитиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича зарур тажриба тўплади. Бу эса Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Масалан, бакалаврларни ўқитишнинг 15 йўналиши модернизация қилиниб, 8 янги йўналишга айлантирилди. Компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари, телевизион технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими, иқтисодиёт ва менежмент, ахборотлаштириш ва кутубхоначилик, почта алоқаси технологиялари йўналишлари шулар жумласидандир. Шунингдек, магистратура босқичида «Электрон ҳукумат тизимини бошқариш» ва «Электрон кутубхона ва архивлар» каби янги мутахассисликлар ташкил этилди.

Симпозиумда Жанубий Корея тажрибаси асосида таълим ва маъмурий тизим механизмларини жорий этишни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш, Жанубий Корея олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўқитувчилар фаолияти ва талабаларни баҳолаш усулларини ўрганиш вазифалари кўриб чиқилди. Хорижий олий ўқув юртларида малака ошириб қайтган ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди.

**М.ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

***Мустақилликнинг дастлабки йилларидоноқ мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида мустаҳкам пойдевор яратилди. Хусусан, бу борада 5 та халқаро конвенция ратификация қилиниб, ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди.***

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

2007 йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур Қонуннинг 4-моддаси «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати» дея номланиши ҳамда унда бу борада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилиши мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунлари ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоялашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, бола ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаркан, аввало уни илм олишга, касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, навқирон авлод вакилларининг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилган.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказишга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган.

Улар миллий қонунчилигимизда ҳам акс этган бўлиб, жумладан, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўхшаши кам бўлган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва боликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланган.

Бу ҳақда гап кетганда, жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг «Соғлом она — соғлом бола» ҳамда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланганлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири — баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, эртанги куннинг ҳақиқий ворислари сифатида камол топтиришдир. Бу борада миллий қадрият ва анъаналаримиз, бетакрор маданий ва маънавий меросимиз, буюк аждодларимиздан қолган ноёб ёдгорликлар ўзига хос ижобий аҳамият касб этади. Уларни ўрганиш, таҳлил этиш, ёш авлод онгига сингдиришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Негаки, миллий қадриятларни тиклаш, уларни ўрганишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши баркамол авлоднинг миллий қадриятлар руҳида тарбияланишига, чин фуқаролик позициясини эгаллашларига хизмат қилади.

Қолаверса, бугунги глобаллашув жараёнлари, фан ва техниканинг шиддатли тараққиёти баркамол авлод тақдирига янада эътибор билан ёндашишни талаб этади. Шу боис, ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш энг муҳим мезон ҳисобланади. Умуминсоний ва миллий қадриятлар бутун инсоният томонидан бир неча юз йиллар давомида эришилган ютуқлар, дунё аҳли онги-тафаккурининг маҳсули, барча халқлар учун фойдали моддий ва маънавий неъматлар ҳисобланиб, улар умумжаҳон цивилизациясининг маҳсули сифатида ёш авлоднинг келажакда баркамол инсон бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилларда жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асрабавайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришга қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этилган. Хусусан, адлия идоралари томонидан ёшлар ўртасида уюштирилаётган «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Сиз Конституцияни биласизми?», «Ҳуқуқ билимдонлари» каби кўрик-танловлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига янгича йўналишлар орқали сингдириб боришга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, ана шундай эзгу орзу-умидлар қанотида вояга етаётган болалар келажагига бугун халқимиз қатъий ишонади.

**Зулайхо КАМАЛХОДЖАЕВА,**
**Яшнобод туман ФХДЁ бўлими мудираси**

# ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат коллежлари ҳамда мусиқа академик лицейлари ёш ижрочиларининг республика танлови бошланди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ўтказилаётган мазкур танловда қуйи босқичларда ғолиб бўлган тўрт юз эллик нафарга яқин ўқувчи иштирок этмоқда.

Тадбирда маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналиши қатори мусиқа санъатини изчил равнақ топтириш, шу йўлда изланаётган истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий мусиқа ва санъат мактаблари, санъат саройлари, бадиий ижодиёт марказлари барпо этилаётгани иқтидорли ёшлар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Кўплаб халқаро кўрик-танловлар, йирик ижодий лойиҳалар миллий мусиқамиз дурдоналарини жаҳон саҳнасига олиб чиқиш ҳамда санъат ихлосмандларини баҳраманд этишга хизмат қилмоқда. Бундай эътибор самарасида ёшларимизнинг салоҳияти халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ўқувчи-ёшларни мусиқа санъатининг юксак намуналари асосида тарбиялаш, уларнинг ижрочилик маҳорати ва бадиий дидини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Гулистон санъат коллежи ўқувчиси Аббос Жўрабеков болалигидан рубоб чалишга қизиқади. Унинг истеъдодини эрта пайқаган ота-онаси шу соҳанинг етук мутахассисларидан сабоқ олиши учун барча имкониятларни яратиб берди. Яхши шароит, малакали устозлардан олинган таълим туфайли у қатор ютуқларга эришаётир. Аббос мазкур танловга ҳам жиддий тайёргарлик кўрди.

– Танловда қашқар рубоби йўналиши бўйича иштирок этмоқдаман, – дейди Аббос. – Бу каби ижодий баҳслар биз, ёшларни янада кўпроқ изланишга ва янги муваффақиятларни қўлга киритишга ундайди.

Танловда ёш истеъдодлар дамли, зарбли, торли халқ чолғулари, академик хонандалик, анъанавий ҳамда фольклор ижрочилиги, эстрада, хореография, театр санъати йўналишларида жаҳон ва ўзбек санъатидан намуналар ижро этади. Якунда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

## 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини асрашда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.***

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жойларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли фаоллигини кучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзусида ташкил этилган семинарда шу хусусда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, эколог мутахассислар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли саломатлигини асрашда экотизимларни жорий этиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунида экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли белгилаб берилган. Шу асосда олиб борилаётган ишлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит муҳофазаси борасида қонун талаблари бажарилиши ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида жамоатчилик иштироки ва фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш, Экоҳаракат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Танловлар

# КАМАЛАК ЖИЛОЛАРИ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида анъанавий «Камалак жилолари» расмлар кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.***

Танлов «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, иқтидор соҳибларини юзага чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида 1997 йилдан буён ўтказилаётган беллашув болаларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ўтган йиллар давомида танловда иштирок этган ёшлар бугун жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг етакчи мутахассиси Аббосжон Эргашевнинг таъкидлашича, бу йили кўрик-танловнинг қуйи босқичларида юртимиздаги Меҳрибонлик уйларининг 1500 нафар тарбияланувчиси қатнашди. Ҳудудлар кесимида ғолиб деб топилганларнинг 100 дан ортиқ тасвирий ва 80 дан зиёд амалий санъат асарлари якуний босқичга тақдим этилди. Ғолиблар 4-10 ҳамда 11-16 ёшгача бўлган ёш тоифаси ҳамда 7 та номинация бўйича аниқланди.

— Ушбу танловда «Фаввора», «Бахтли болалик», «Моҳир қўллар» каби расмларим билан қатнашдим, — дейди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шаҳризода Ҳамидова. — Натижада тасвирий санъат йўналишида 4-10 ёшли иштирокчилар орасида фахрли 2-ўринни қўлга киритдим. Бу орқали устозларим билдирган ишончни оқлаб, кегусида кўплаб бетакрор тасвирий санъат асарларини яратмоқчиман.

Беллашув доирасида Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида тезкор расм чизиш бўйича алоҳида танлов ташкил этилиб, ишлар шу вақтнинг ўзида ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Якуний натижаларга кўра, тасвирий санъат йўналишида 4-10 ёшлилар ўртасида Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Анастасия Крайнюк ва 11-16 ёшлилар ўртасида Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Феруз Шарипов фахрли 1-ўринни эгаллади. Амалий санъат йўналиши бўйича 4-10 ёшлилар ўртасида Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Бекзод Иномов, 11-16 ёшлилар ўртасида Сурхондарё вилоятидаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шаҳноза Пиримқулова ғолиблар сафини бошқаришди. Шунингдек, Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда Андижон ва Гулистон Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди. Ғолиблар Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Сен ёлғиз эмассан» жамоатчилик жамғармасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Нодира МАҲМУДОВА**

# БОЛАЖОНЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ўзининг ижобий самарасини бермоқда.***

Ана шу ҳужжат асосида Қўшкўпир туманидаги Аз-Замахшарий номли маданият ва истироҳат боғи қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу масканнинг очилиш маросими 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бўлиб ўтди.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, бу ерда томошалар ўтказишга мўлжалланган амфитеатр, кўплаб аттракцион ва ўйин қурилмалари, салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиладиган савдо шохобчалари мавжуд.

Шу куни туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг хушовоз хонандалари ўзларининг байрам концерт дастурини дам олувчиларга туҳфа этишди.

**Икром ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида инглиз тили ва адабиёти ҳамда француз тили ва адабиёти мутахассислик фанлари бўйича талабалар ўртасида фан олимпиадасининг республика босқичи ўтказилди. Унда юртимиздаги 18 та олий таълим муассасасининг ёшлари тўртта топшириқ асосида ўз билимини синовдан ўтказди.***

## Фан олимпиадалари

# ТАФАККУР СИНОВИДА ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

— Тафаккур синовининг инглиз тили ва адабиёти йўналишида 18, француз тили ва адабиёти бўйича 9 нафар талаба иштирок этди, — дейди танловнинг ташкилий қўмитаси аъзоси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро муносабатлар ва инглиз тили» кафедраси мудири Г.Табак. — Олимпиаданинг холис ва ҳаққоний ўтишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари таркибига хорижлик мутахассис ва экспертлар ҳам киритилди. Талабаларнинг билим ва маҳоратини баҳолаб борган АҚШнинг юртимиздаги элчихонаси лектори Бёрн Бревертон, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг маданият ва халқаро ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси Оливье Гийом, Бельгиянинг Ўзбекистондаги фахрий консули Жан Клод Божан сингари хорижлик мутахассислар шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида олимпиада нуфузининг йилдан йилга юксалаётганидан далолат беради.

— Мусобақа давомида чет тили билимдонлари ўртасида юзага келган ўзаро соғлом рақобат муҳитида тенгдошларимнинг билим салоҳияти, хорижий тил кўникмалари бири-биридан юқори ва кучли эканига амин бўлдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг Хорижий филология факультети талабаси Зарина Ҳошимова. — Инглиз тилини болалигимдан қизиқиб ўрганганим боис, олийгоҳнинг шу йўналишини танладим. Университетимизда хорижий тилларни ўрганиш учун барча шароитлар муҳайё.

— Фарғона давлат университетининг 2-босқичида таҳсил оламан, — дейди олимпиада иштирокчиларидан бири Зуҳриддин Жўраев. — Ушбу беллашув саралар ичидан сараланиб келган талабаларнинг билимини синовдан ўтказибгина қолмай, ўзаро дўстлашиш имконини ҳам яратди. Бу эса келгусида ҳамкорликда фаолият юритишимизда асқотади. Университетимиз ривожланган давлатларнинг таълим муассасалари, илмий-ўқув марказлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйганки, бу биз, талабалар учун улкан имкониятлар эшигини очяпти.

Беллашувда талабалар тили ўрганилаётган мамлакатнинг давлат тизими, иқтисодиёти ва санъати, буюк сиймолари, ёшлар ҳаёти ва шу сингари мавзуларда суҳбатдан ўтди. Иккинчи турда 10-12 дақиқа давомида бадиий фильмдан парча намойиш этилиб, унинг мазмуни ёзма равишда баён этилди. Кейинги босқичда мамлакатшунослик, адабиёт, грамматик ва лексик материаллар асосида тузилган 50 та саволдан иборат тест топшириқларини иштирокчилар компьютерда бажарди. Охирга шартда ўзбек ёки рус тилидаги матнни чет тилига таржима қилди.

Олимпиаданинг якуний натижаларига кўра, инглиз тили ва адабиёти йўналишида Бухоро давлат университети талабаси Дилдора Шарипова, француз тили ва адабиёти бўйича ЎзДЖТУ талабаси Ислом Бердиёров биринчи ўринни эгаллади. Олимпиада ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Мулоҳаза учун мавзу

# ЯНА ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАРИМИЗ

***Тўй-ҳашам ҳам, маърака ва маросимлар ҳам миллий маънавиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун бу борада ҳар бир халқнинг ўз мероси, анъаналари ва қарашлари мавжуд.***

Тўй-ҳашам ҳамда маърака ва маросимлар ўзгариб, замонга мослашиб ҳам бораверади. Ана шу ўзгаришлар жараёнида уларда миллий маънавиятимизга зид, яъни номанзур манзаралар ҳам намоён бўляпти. Айрим кимсалар айнан ана шундай тўй-ҳашам ва маърака маросимларидан ўзларининг жамиятдаги мавқеларини сунъий равишда кўтариб олиш, бойликларини кўрсатиб қўйиш, кимдандир ўзиб кетганини исботлаш ва бошқа шу каби номаъқул мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланяпти.

**Газетамиз саҳифаларида биз илгари ҳам тўй-маросимларни тартибга солишга бағишланган материаллар бериб борганмиз. Баҳс-мунозараларда кўп сонли газетхонларимиз ҳам фаол иштирок этган.**

**Аммо, ҳозир ҳам у ер-бу ерда бу борада яна ўзбошимчаликлар, кўплаб салбий жиҳатлар кўзга ташланяпти. Устига-устак, бу масалада ҳар йили эл орасида янги-янги расм-русумлар, ғалати-ғалати одатлар пайдо бўляпти.**

Юртимизда пишиқчилик бошланди. Тўй-ҳашамлар мавсуми авж оляпти. Шундай маҳалда тўй-маросимларимизни тартибга келтириш, уларни миллий маънавиятимиз, тарихий анъаналаримизга, бугунги тезкор замон талабларига мос равишда ўтказишга эришиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Шунинг учун бу мавзуга яна қайтдик.

Чунки бу масала билан боғлиқ муаммоларни доимий равишда таҳлил этиб бормасак, тўй-ҳашам ҳамда маърака маросимларимизни замон талаби, миллий анъаналаримизга мос равишда камхарж ва ихчам ўтказишга эришиш қийин кечадиганга ўхшайди. Ҳолбуки, бу ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайдиган масалалар сирасига киради. **Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилдаги тўй ва бошқа маросимларни батартиб ҳолга келтириш ҳақидаги Фармонидан сўнг маросимларимиз анча ихчамлашиб, урф-одат ва қадриятларимизга мос кела бошлади.**

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз қадриятларига суяниб, асраб-авайлаб, уларга амал қилиб яшайди. Шу маънода тўй ва маросимлар – қадриятларимиз кўзгуси ҳисобланади. Афсуски, ҳозир ҳам ҳашаматли тўйлар, маъракаларни ким ўзарга ўтказаётган фуқароларимиз учраб турибди.

Барчамизга аёнки, тўй ва бошқа маросимларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар кўпчиликка ёқмайди.

Биз ўтган асрнинг 80-йилларида ўтказилган тадбирларни имкон қадар ҳисоблаб чиқишга ҳаракат қилдик. Ўша пайтларда биргина тўй доирасида 42 тагача турли тадбирлар ўтказилар экан. Тўғри, бугунги кунда улар камида 20 тага камайган, аммо ҳали-ҳануз исрофгарчиликка йўл қўйиш, манманликни намойиш этиш ҳоллари мавжуд.

Оила – муқаддас даргоҳ. Уни турли ниғоҳлардан асраш, миллий қадриятларимизни янада юксалтириш – айнан тўйларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳамкорликда, бамаслаҳат тўй ва бошқа маросимларимизни ихчам ва батартиб ҳолга келтириш барчамизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Кенг жамоатчилик тўйларимизнинг маънавий жиҳатдан юксак даражада, иқтисодий жиҳатдан эса камчиқим ўтиши тарафдоридир.

Яқин қариндошлар, яъни қондошларнинг бир-бири билан қуда бўлишининг салбий оқибатини ҳаммамиз биламиз. Аммо шуни кўра-била туриб, икки опа-сингилнинг қуда бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Мана, тўйларимизга хос яна бир муаммо.

Ҳар бир қонуности ҳужжати замон ва макон талаблари асосида қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган Фармони ҳам бежиз қабул қилинмаган. Зеро, бу борада жамиятда катта эҳтиёж пайдо бўлган, яъни талай жиддий сабаблар юзага келган эди.

Буни унинг дастлабки жумласиданоқ билиб оламиз: ***«Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда».***

Мазкур ҳужжатда ўтганлар хотирасига бағишланган маъракаларни ўта дабдабали ўтказишлар миллий расм-русумларимизга путур етказаётгани, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантираётгани ҳам айтилган.

Энг ёмони, бунинг жамиятда носоғлом мусобақага айланиб кетаётгани дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга солиб қўяди.

Ҳамма замонда ҳам бир тоифа кишилар қўлида эҳтиёжларидан ортиқ маблағ тўпланиб боради. Аммо **халқимизнинг азалий анъаналарида хайр-эҳсон қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам бериш, уларнинг турар жойларини обод қилиш, эл-улусга хизмат қиладиган йўллар, кўприклар қуриш, сармояни ишлаб чиқаришга сарфлаб, янги иш ўринлари пайдо қилиш, шу тариқа эл-юрт ўртасида ҳақиқий обрў-эътибор орттириш бор-ку. Шундайларнинг кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол албатта...**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиш билан боғлиқ юқорида тилга олинган Фармони эълон қилинганидан кўп ўтмай, яъни 1998 йилнинг 3 ноябрида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида фатво»си чиқарилди. Унда тўй, маросим ва маъракаларнинг меъёрлари белгилаб берилди.

Тўйларимиз – албатта, миллий қадрият. Ўзбекнинг тўйи ҳеч кимникига ўхшамайди. Энг миллий нозик жиҳатларимиз айнан тўйларимизда намоён бўлади. Уларда асрий анъаналаримиз ўзига хос тарзда мужассамлашади. 200 га яқин ўзбек халқ мақоли тўй билан бевосита ёки билвосита боғлиқ масалага бағишланган.

**Шундай экан, тўйларимиз ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ана шу миллий анъаналаримизга зид келмаслиги керак.**

**Амалда қандай бўляпти?**

**Тўғри, келин билан куёвни эл олдига чиқариб, янгича базм қилишимиз шаклланган. Майли, лекин келинларимизнинг тўй либослари нега айнан европача кўринишга асосланиши керак? Ҳозир Тошкентда, бошқа айрим шаҳарларимизда келин-куёвнинг вальсга тушиши одати ҳам юзага келган.**

**Келин – шу куёвники. Куёв – шу келинники. Лекин уларнинг қариндош-уруғ, маҳалла-кўй олдида ўзаро қўл ушлашиб, бел ушлашиб ўйинга тушиши шартми?**

**Ростини айтганда, вальсни тарғиб қилаётганларнинг бундан кўзлаган мўмай даромади бор. Чунки тўйдан олдин келин билан куёвлар баъзилардан катта пул эвазига буни обдон ўрганадида. Вальс, аввало, ана ўшаларга керак. Миллий маънавиятимиз билан, сарф-харажат кимдан кетаётгани, бундай янги-янги одатлар орқасидан тўй қилаётганлар қай аҳволга тушиб қолаётгани билан неча пуллик иши бор уларнинг?!**

Тўйларимиз ҳам анъаналаримизга зид келмасин, ҳам замонавий хусусиятлардан холи бўлмасин. Бунинг намуналари жамиятда бор.

Бундан юз йиллар муқаддам минтақамиз маърифатпарварларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий «Ойна» журналининг 1915 йилги 13-сонида бонг уриб, жумладан, шундай деб ёзган эди: *«Биз ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмиб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишға кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар...»*

**Тўйга тўёна билан келиш ҳам – миллий анъаналаримизда бор.**

Бир обрўли киши тўй қилибди – ўғлини уйлантирибди. Аммо, кўпчиликни тўйига айтмабди. Сабабини суриштирганларга: *«Мен фарзандим учун тўй қиляпман, бу бошқаларга ташвиш бўлмаслиги керак. Шунча узоқ жойдан пул сарфлаб, етиб келиши керак, яна тўёна бераман, дейди. Мен қарздор бўлиб қолишим керакми?»* – деган экан.

Кийиниш ҳам маданият белгиси. Баъзи тўйларда аёлларнинг беўхшов кийиниб, тақинчоқларга беланиб кетгани дидсизликдан дарак беришини кўрамиз. Ҳолбуки, ҳатто хорижда жинси шим кийганларни ресторанларга ва турли маросимларга қўйилмаслигини яхши биламиз.

Айрим тўйларимизда кузатилаётган бундай бачканаликнинг кимга кераги бор? Ахир бундай ҳолатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этади-ку.

**Яна бир гап. Тўй ва маросимлар борасидаги кўпдан-кўп иллатларимиз айнан аёлларнинг даъвати, уларнинг орзу-ҳаваси билан юз беради.**

**Модомики, биз – эркаклар оила бошлиғи эканмизми, тўй-маросимлар борасида ҳам меъёрни таъминлашни, исрофгарчилик, дабдабабозлик, манманликка йўл қўймасликни қатъий равишда ўз зиммамизга олишимиз керак.**

